

Адиба опага нега пенсия тайинланмади?

2-бет



Ҳокимларнинг ваколатлари қисқартирилди

4-бет



Баракаллачи ёки кўрпангга қараб оёқ узат

5-бет




"Бошсиз" бош ҳисобчи ёхуд унинг қилмишлари

7-бет



ИНСОН ВА ҚОНУН



Шундай одамлар бор бедодликдан безор бўлган

4 февраль 2020 йил / № 04 (1208)

www.hudud24.uz

insonvaqonun@adiya.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

АДЛИЯ ВАЗИРИ журналист ва блогерлар билан учрашди



Русланбек ДАВЛЕТОВ, Адлия вазири

— Албатта, нотариал соҳада жуда катта ўзгаришларни амалга оширдик.

2019 йил 1 январдан нотариатнинг фаол модели жорий этилди.

Битимларни тасдиқлашда экстерриториаллиги принципи жорий этилди. Нотариуслар томонидан юририлаётган 15 тадан ортиқ реестр китоблари, дафтар ва жур-

Адлия вазири Русланбек Давлетов журналист ва блогерлар билан учрашиб, вазирлик тизимида амалга оширилган ишлар юзасидан фикр алмашди ва келгусидаги режалар билан ўртоқлашди. Вазир барча журналист ва блогерлар саволларига жавоб берди.

Хусусан, "Инсон ва қонун" мухбирининг нотариат соҳасидаги ўзгаришларга оид саволига қуйидагича жавоб берди:

наллар бекор қилинди.

Натижада нотариал ҳаракат учун сарфланаётган вақт тенг яرمىга қисқартирилди. Ҳар йилига 100 миллион сўмдан иқтисод қилинадиган бўлди.

Ҳозирда нотариал ҳаракатлар бармоқ изларини сканер қилиш орқали амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2019 йил 9 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниб, соҳада туб ислоҳотлар амалга оширилди.

2020 йил 1 январдан хусусий нотариал фаолиятга рухсат берилди, Ўзбекистон Нотариал палатаси ташкил этилди.

Транспорт воситаси эгасининг яқин қар-

риндошлари ўртасида авто ишончномани мажбурий тасдиқлаш бекор қилинди.

"E-notarius.uz" ахборот портали ишга туширилди. Нотариал идораларда оптик толалари алоқа тармоғи ўрнатилди.

Нотариал ҳаракатлар учун тўловларни автоматик ҳисоблаш тизими ҳамда "СМС" хабарнома тизими жорий қилинди.

Давлат хизматлари марказлари орқали талаб этиладиган ҳужжатлар сони 112 тадан 52 тагача камайtirилди, хизмат кўрсатиш муддати 280 кундан 126 кунга қисқартирилди.

Буларнинг барчаси халқимиз огирини енгил қилиш, аниқ-тиник, қулай хизмат кўрсатиш тизими йўлга қўйилганидан далолатдир.

Дилфуза ЭРҒАШЕВА ёзиб олди.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ Олий Мажлисга йўллаган навбатдаги Мурожаатномасида сўзлаган нутқи келажакда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жумладан, экологик қонунчиликни такомиллаштириш, Ўзбекистон тарихида илк мартаба Экология кодекси қабул қилишига оид масаланинг ҳуқуқий асоси бўлди.

ЭКОЛОГИЯ КОДЕКСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

Статистик маълумотларга қўра, табиат мутаносиблигининг бузилиши, табиий ресурсларнинг камайиб бориши ва атроф-муҳит ифлосланишининг 90-97 фоизи айнан инсонларнинг ҳўжасизларча фаолият юритиши билан боғлиқ. Ҳаётий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик ва уларни экологик муҳофаза қилиш талабларига ва иқтисодий ривожланишда экологик талабларга риоя этмаслик табиат бойлиқларининг камайиб кетишига, экологик мувозанатнинг бузилиши ҳамда экологик хавф ва экологик таҳдидлар пайдо бўлишига олиб келади.

Ушбу муаммоларни ижобий ҳал этиш ҳолати ва ҳуқуқий асоси Конституцияимизнинг 50-моддасида ўз ифодасини топиб, "Фуқаролар атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар" ва 55-моддасида "Ер, ер ости бойлиқлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиат захиралари умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир", деб кўрсатилган.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида "...атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни яхшилашга эътиборни кучайтиришимиз керак. Аввало, Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш бўйича бошлаган мисли қўрилмаган ишларимизни давом эттириб, денгизнинг қуриган тубида ўрмонзорларни кенгайтириш, Нўқус, Урганч ва Хива шаҳарлари атрофида "яшил белбоғ"лар барпо этишимиз лозим. Ишлаб чиқариш жараёнини экологик назорат қилиш тизимини такомиллаштириш, экологик аудит ўтказиш тартибини қайта қўриб чиқиш, хусусий аудиторлик фаолиятини жонлантириш ҳам муҳим вазифадир", деб алоҳида таъкидлади.

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин, Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

Буюк бобкалонимизнинг ушбу сатрларини бежиз сарлавҳа қилиб келтирмадик. 9 февраль куни сўз мулкининг султони, дунёга таниқли буюк бобомиз Алишер Навоийнинг таваллуд айёми ўзига хос бетакорор тантана билан нишонланади. А.Навоий қаламига мансуб биргина "Хамса" асари дунёнинг 64 тилига таржима қилинган ҳам у зотга жаҳон ҳамжамияти томонидан билдирилган юксак эътироф намунасидадир.

Туркий тилни қайта тирилтиргани Навоийнинг маънавиятимиз учун улкан хизмати бўлган. Хусайн Бойқаро таъбири билан айтганда "Мир Алишер турк тилининг ўлик жасадиға Масих нафаси ила жон ато этди".

Қадимий тошбитиклар, буюк аждодларимизнинг бебаҳо кўлёмалари, неча минг йиллик халқ оғзаси ижоди ўзбек тили дунёдаги кўҳна, гўзал ва бой тиллардан бири эканлигидан далолат беради.

Фахр-ифтихор билан таъкидлаш жоизки, Она тилимиз — ўзбек тили кўп асрлар давомида дунё цивилизациясига, умум-башарий кадриятлар ривожига улкан ҳисса қўшиб келмоқда. Хусусан, Махмуд Қошғарийнинг "Девону луготит турк", Юсуф Хос Ҳожибининг "Қутадғу билиг" асарлари, Ҳазрати Аҳмад Яссавийнинг бебаҳо ҳикматлари, Фаробий, Аҳмад Югнакий мероси

Алишер Навоийнинг "Хамса" ва "Ҳазойин-ул маоний"си каби нафақат миллатимиз, ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, инсоният маънавиятининг сарчашмаси саналади.

Она тилимизнинг биз учун яна бир қадрли, маънавий-тарбиявий аҳамияти шундаки, миллатимизнинг ўзигагина хос бўлган ҳаё, ибо, андиша, орият, меҳр-оқибат каби жиҳатларини бошқа тилга айнан таржима қилиб бўлмайди. Бу тушунчаларни фақат ўзбек тилида ифодалаш мумкин.

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин, Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

Ҳазрати Алишер Навоийнинг бу сатрлари тилнинг инсон маънавияти, юксак ахлоқий фазилатларини шакллантиришда ва намоен этишда беқиёс аҳамиятга эгаллигини кўрсатади. Навоий бобомиз ишлатган бу ибора, бу ташбеҳ ҳеч бир халқ, миллат вакили томонидан ишлатилмаганлиги эса бизга гурур бағишлайди.

Дарҳақиқат, она тилимиз ҳар биримизнинг маънавиятимиз ва маданиятимизни кўрсатадиган кўзгу, бизни тараққиётга элтувчи руҳиятимиз қанотидир. Бугунги авлод вақиллари бу оддий, аммо улкан ҳақиқатни унуттишга асло ҳаққи йўқ.

➤3-бет

➤3-бет

Бухородаги Хўжа Порсо мадрасаси ташландиқ аҳволда эди... БУНГА КИМ АЙБДОР ЭКАНЛИГИНИ АДЛИЯ БЎЛИМИ ЎРГАНДИ

Бухоро шаҳар адлия бўлими томонидан шаҳардаги айрим маданий мерос объектларини муҳофаза қилиниши ва улардан фойдаланиши мониторинг қилинганида, бир қатор қонунбузилишлар аниқланган.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги 846-сонли қарори билан тасдиқланган моддий-маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари рўйхатига киритилган 19 асрда қурилган Хўжа Порсо мадрасасини муҳофаза қилиниши юзасидан ўтказилган мониторингда Маданий мерос департаменти Бухоро вилоят бошқармасининг жавоб хатига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 06 мартдаги "Моддий-маданий мерос объектларини ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятларини олган ҳолда ижарага бериш" бўйича 53-сонли қарори асосида 2018 йилдаги 105-сонли уч томонлама шартнома имзоланиб, яқка тартибдаги тадбиркор Нодир Адизовга инвестиция мажбурияти билан 5 йил муддатга ижарага берилганлиги қайд этилган.

Шартнома шартларига мувофиқ, ижарага олинган объектда камида 20 та ишчи ўринларини яратиш, ижарага олинган объектда шартнома тузилган санадан бошлаб лойиҳа-смета ҳужжатларини кўпи билан 3 ой муддатда тузиш, кейинчалик таъмирлаш реставрация-тиклаш ишларини 18 ой муддатда тўлиқ тугатиш назарда тутилганлиги, шартномага

кўра, тадбиркор умумий қиймати жами 2900,0 миллион сўмлик инвестиция мажбуриятларини бажариши лозимлиги, аммо белгиланган муддатга қадар объектни таъмирлаш ва реставрация ишларини олиб бориш учун зарур лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва инвестиция миқдори 58 миллион сўмни ташкил этиши ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқланган муддатдан кейин 18 ой мобайнида 2842,0 миллион сўмлик объектда таъмирлаш ва тиклаш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан инспекция техник назоратчиси назорати остида олиб бориш мажбуриятини олган бўлса-да, амалда мадрасанинг деворлари мавжуд бўлмаган орқа томонини темир тунука билан ўрашни ҳисобга олмаганда, умуман таъмирлаш ва реставрация ишлари олиб борилмаганлиги, олиб бориш шартнома юзасидан болинган инвестицион мажбуриятлар бажарилмаганлиги, мадраса ҳовлиси ташландиқ аҳволда, қурилиш ва бошқа чиқиндилар билан ачинарли ҳолда эканлиги аниқланган.

Худди шундай, 18 асрда қурилган Тош Сарой мадрасаси, 19 асрда қурилган Чуқур мадрасаси, Намозгоҳ макмуаси, 19 асрда қурилган Мулла Пайравий масжи-

ди ва 17 асрда қурилган Абдулазизхон мадрасаси каби тарихий обидаларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ жиддий қонунбузилишлар ҳам аниқланиб, Маданий мерос Департаменти Бухоро вилоят бошқармасига тегишли тақдимномалар киритилди.

Аммо мазкур мутасадди ташкилотта тақдимномалар киритилишига қарамадан, бу объектларда амалга оширилган ободонлаштириш ишларига гарчи баъзи ижтимоий тармоқларда биз амалга оширдик, деб мақтанган бўлишса-да, аслида Бухоро вилоят Маданий мерос бошқармаси ходимлари эмас, балки саховатпеша инсонлар, ўзини кўз-кўз қилишни истамаган камтарин тадбиркорлар томонидан кенг қўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилганлиги бухороликлар жуда яхши билади.

Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир бўлган Маданий мерос Департаменти Бухоро вилоят бошқармасидагиларнинг эса бировнинг савобига шерик бўлишга қандай уялмаганига ҳайронмиз.

Абдурахимхўжа БАФАЕВ,
Бухоро шаҳар адлия бўлими бошлиғи

АДИБА ОПАГА НЕГА ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАНМАДИ?

ФУҚАРО Якубджанова Адиба Чилонзор туман Пенсия бўлимига пенсия тайинлаш учун мурожаат қилганлигини, бироқ меҳнат дафтарчасида исми "Адиба" шаклида ёзилгани учун пенсия тайинлаш рад этилганлигини айтиб туман адлия бўлимига мурожаат қилди.

Тақдим қилинган ҳужжатлардан аниқланишича, фуқаро ҳақиқатан ҳам 1983 йилдан то 2018 йилгача деярли узлуксиз иш фаолиятини олиб борган бўлса-да, меҳнат дафтарчасининг биринчи бети нотўғри тўлдирилгани сабабли Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Чилонзор бўлими томонидан мазкур мурожаат инobatта олинмай келинган. У 2 йил давомида турли идораларга мазкур масалада мурожаат қилган, аммо натижа бўлмаган.

Шунингдек, туман пенсия бўлими томонидан фуқаро А.Якубджанова меҳнат фаолиятини бошлаган давлатчи ташкилот "Янгилик" тўқимачилик кийимларини ишлаб чиқариш ва таъмирлаш бирлашмаси ҳозирги кунда фаолиятини юритмаётгани важи билан аризани қўриб чиқиш ва пенсия тайинлаш рад этилган. Фуқаро А.Якубджановага те-

гишли меҳнат дафтарчасининг биринчи бетига у охири марта ишлаган 266-сонли болалар боғчаси маъмурияти томонидан "Адиба" исми "Адиба"га ўзгартириб ёзилган. Бироқ мазкур ташкилот томонидан ҳуқуқ нормаси нотўғри қўлланилиши натижасида киритилган ушбу ўзгартириш ҳуқуқий асосга эга эмас.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарори билан тасдиқланган "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 80-бандига мувофиқ, агар иш стажини тасдиқлайдиган ҳужжатда кўрсатилган исми, отасининг исми ёки фамилияси паспорт ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома бўйича исми, отасининг исми ёки фамилияси билан мос бўлмаса ушбу ҳужжатнинг мазкур шахсга тегишлилиги ҳолати фақат меҳнат дафтарча-

сини ёки иш стажы тўғрисидаги бошқа ҳужжатни биринчи марта берган ташкилот томонидан тасдиқланиши мумкин. Бошқа барча ҳолларда ҳужжатларнинг тааллуқлилиги суд томонидан белгиланиши шарт.

Ўқоридаги ҳолатлар инobatта олинб, Чилонзор туман адлия бўлими томонидан Учтепа туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси киритилди. Суднинг 2019 йил 3 декабрдаги ҳал қилув қарорига кўра, адлия бўлимининг даъво талаблари қаноатлантирилди ва фуқаро Якубджанова Адиба Маликовнани қийнаб келган 2 йиллик сарсонгарчиликка барҳам берилди.

Обиджон АМОНОВ,
Чилонзор туман адлия бўлими катта маслаҳатчиси

"Бўтақора" Мурувват уйдаги исм-фамилияси йўқ фуқаролар кимлар?

АНДИЖОН вилоятининг Андижон туманида жойлашган "Бўтақора" Мурувват уйи республика миқёсидаги маскан ҳисобланади. Мазкур мурувват уйи фақат эркакларга ихтисослашган бўлиб, бу ерда ҳозирда 310 нафар I, II-гурух руҳий асаб касаллигига чалинган ногиронлар истиқомат қилади.

- Мурувват уйда яшовчи фуқароларнинг 85 нафариди шахсини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд эмас;
- 30 нафариди эса туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси бор, аммо паспорти йўқ;
- 9 нафар фуқаро собиқ СССР паспортига эга;
- 32 нафариди эса умуман шахсини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд эмас;
- 12 нафар фуқаронинг эса ҳаттоки, исм-фамилияси ҳам йўқ.

Мазкур Мурувват уйи раҳбариятининг Андижон туман адлия бўлимига қилган мурожаатига асосан ҳозирда вилоятдаги барча туман-шаҳар ФХДБ бўлимларига хатлар юборилиб улар ҳақида маълумотлар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида жавоб хатлари олинди.

Шунингдек, вилоят ички ишлар бўлимлари билан ҳамкорликда юқорида келтирилган мурувват уйдаги шахсини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлмаган фуқароларга янги фуқаролик паспортларини бериш чоралари қўрилмоқда.

Умиджон ҲАКИМОВ,
Андижон вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

Анора 15 ёшида туғилганлик ҳақида гувоҳнома олди

ФАРҒОНАДА яшовчи Олимжон Аҳмедов ҳамда Дилафруз Муллажоновна 2003 йилда Россия Федерациясига ишлаш учун кетади.

2004 йилда қиз фарзандни дунёга келтирган Дилафруз унга ҳужжат олиш мақсадида Ўзбекистонга қайтиб келади. Ҳар қанча уринмасин, Дилафруз Муллажоновна қизи Анора Аҳмедовага гувоҳнома ололмади. Шундан сўнг у яна Россия Федерациясига қайтиб кетишга мажбур бўлади. 15 йил давомида Ўзбекистонга 12 мартаба келган Дилафрузнинг мурожаати рад этилади.

2020 йилнинг январь ойида яна ҳаракатда бўлган Муллажоновна ҳуқуқ тарғибот органларига ўз муаммосини айтади. Фарғона шаҳар адлия бўлими ходимлари беш кун ичида фуқаронинг 15 йиллик муаммосини ҳал қилиб, шаҳарнинг Қирпола кўчаси, 100-хонадонда яшовчи Дилафруз Муллажоновнанинг 15 ёшлик қизига туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани расмийлаштиришда амалий ёрдам берди.

Дилшодбек АҲМЕДОВ,
Фарғона шаҳар адлия бўлими бошлиғи

Коллеж директори сайлов кампаниясидаги ходимларини ойликсиз қолдирди

НАВБАҲОР туман "Истиқлол" саноат касб-хунар коллежида ишлаган фуқаролар Ж.Шомуродов ва Э.Сафаровлар 2019 йил сентябрь ойдан бошлаб сайлов кампаниясига жалб этилганлиги, лекин улар билан "Истиқлол" саноат касб-хунар коллежи ўртасида меҳнат шартномаси бекор қилинмаган бўлса-да, иш ҳақлари тўлаб берилмаганлигидан норози бўлиб туман адлия бўлимига мурожаат қилишди ва мурожаат мутахассислар иштирокида ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш давомида Ж.Шомуродовга иш берувчи томонидан Меҳнат кодекси талаблари бузилган ҳолда ўтган йилда жами йигирма миллионга яқин иш ҳақлари тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва қисқа муддат ичида иш ҳақларини тўлаб берилишини таъминлаш юзасидан Навоий вилоят касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига тақдимнома киритилди.

Жорий йил 10 январдаги тақдимнома муҳокамаси натижалари бўйича иш ҳақлари тўлиқ ундириб берилди.

Йигитали ЭРМАМатов,
Навбахор туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси





РАҲБАРЛАР ГАЗЕТА ЎҚИШМАЙДИМИ, ДАВЛАТ ҚОНУНЛАРИНИ-ЧИ?

Давоми. Бошланиши 1-бетдо

Хурлигимиз рамази бўлган она тилимизнинг ўттиз йиллик санаси арафасида давлатимиз раҳбарининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони неча йиллаб тилимизга кўчолмай, дилимиз туб-тубида симллаб турган бир оғриққа малҳам бўлиб, мустақиллик шуқуҳини баралла ҳис қилдик. Айниқса, Президентимизнинг “Бизнинг ёшлар, албатта, бошқа тилни билиш учун саяъ-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат — бу ватани шидир”, деган даъвати эртанги кунимиз эгалари бўлмиш фарзандларимиз учун ўзига ҳос бетакорр маънавий-ахлоқий тарбия мактаби вазифасини ўтамоғи тайинлиги бир қувончимизга ўн қувонч қўшди.

Мазкур Фармонда миллатимиз жонқуяри томонидан давлат тили мавқеини ошириш юзасидан бир қатор вазифа ва кўрсатмалар белгилаб берилди.

Журналистик кузатувимизга таяниб, барча давлат органлари ва ташкилотлари “Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисида”ги Қонуни ва Президентимизнинг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида белги-ланган вазифалар масъулиятини бирдай ҳис қилишарми, деган мулоҳазаларга бордик.

Ўтган ойда “Milliy TV” телеканалда таниқли хонанда Муниса Ризаева билан мулоқотни томоша қила туриб, ранжидим. Бу телеканални ўз оти билан миллийликни, миллий кадр-қиммат ва анъаналаримиз тарғиб қилиниши лозим бўлган телеканал, деб билдим. Минг афсуски, назаримда, айнан шу телеканалда аксарият санъаткорлар

неча минг сонли телетомошабинлар олдидаги масъулиятларини мутлақо ҳис қилмаслик ҳолатлари кўпроқ учрамоқда. Шулар жумласидан, Муниса Ризаеванинг ўзбек тилининг софлигини бузиб, ҳар икки сўзига рус тилини қўшиб ара-лаш-қуралаш гапиришларини қандай тушуниш мумкин? Бу тарздаги мулоқот уларнинг “имиджи”ни ошириш ёки ултра замонавийлигини намоён этишнинг бир усулими? Балки бунинг сабабини мазкур телеканал масъуллари билишар?

Халқимиз назарига тушган айрим санъаткорлар ва телебошловчилар эфирга чиқишдан олдин, неча минг сонли юрдошларимиз ва хориқликларга она тилимизга нисбатан фахру ифтихор ва ҳурмати-миний қандай намоён этмоқданам, қандай ибрат бўлаётган, деб бир ўйлаб кўрсалар фойдадан холи бўлмасди.

Албатта, чет тилини билиш маърифат ва билимдонлик белгиси эканлигини инкор қилмаган ҳолда, ўз она тилининг софлиги, кадр-қим-матига нисбатан бепсандликни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Кўча-қўйда, жамоат жойларида гўр ёшларимизнинг битта соф тилда гаширолмайдиган масхараомуз мулоқотларини ўзларича маданият белгиси, деб билишлари ҳам қулгили, ҳам ачинарли ҳол. Лекин уларни айблаб оламизми, агар-ки, халқимизнинг таниқли инсонлари соф она тилида гаплаша олишмаса, аксарият расмий хатлар ҳануз ёт тилда битилаётган бўлса, жамоат жойларида ёт тилдаги эълонлар тинмай кўзимизга суқилиб, қўлагимиз остида “Северный вокзал”, “Алайский”, “Черняевка”, “Сорок лет”, “Кадышева” каби сўзлар тинмай жаранглаб турса?

Бугунги кунда ҳам деярли барча шифо масканларида “История болезни”, “Больничный лист”, “Приём покой” каби ибора ва шифокор-

ларимизнинг ёт тилдаги ёзувлари тишга тошдек ботмаётганлиги ки-шини ажаблантиради. Наҳотки, му-стабид исканжасидан қутулишимиз шунчалик қийин кечмоқда? Марка-зий кўчалардаги “Салон красоты”, “Хозтовары”, “Спецдежда” каби бот-бот ўчрайдиган эълонлар ким-лар учун, ўзбекистонликлар учунми ёки маълум бир давлатдан ташир-иф буорадиган меҳмонлар учунми, де-ган хаёлга борасиз.

Жойлардаги ҳокимликлар ва уларнинг тегишли масъул ходим-ларни назарида эътибор қаратиш-га арзимайдиган бундай ҳолатлар давлатимиз қонуни, қолаверса, она тилимиз мавқеи билан боғлиқ экан-лигини наҳотки билмасалар?

Президентимиз давлат тилимиз-нинг ўттиз йиллик қўтлуғ санасига бағишланган анжуманда: “**Давлат тили масаласи миллий ғоями-нинг асосий тамойилларидан бири бўлиши зарурлиги... ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор, деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она ва-танга эҳтиром ва садоқат, деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қондасига айлантири-шимиз лозимлиги**”ни баралла ўқирган эди. Шундай бўлса-да, “Инсон ва қонун” газетаси тахри-рияга айрим давлат ташкилотла-ридан ўзга тилдаги расмий хатлар келиб тушаётганлиги ажабланирли ҳол. Бундай пайтларда беихтиёр кўнглимиздан “Раҳбарлар газета ўқийдиларми, Президент Фармо-ни ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар-ни-чи?”, деган аччиқ савол ўтади. Шу баробарида, давлат тили билан боғлиқ қонун ҳужжатлари меъёр-ларига амал қилмаган мансабдор шахсларга тегишли жавобгарлик чоралари кўриш фурсати етди, деб ўйлаймиз.

ЎЗИНГНИ АНГЛА, ШУНДАГИНА ЮКСАЛАСАН!

Муборак манбаларда келтиришича, Мусо алайҳис-салом қавмини Фиръавн зулмидан озод қилган, улар-ни қуллик тўғрисида, хусусан, лўқайдликдан фориғ қилиш учун қирқ йил давомида чўлларда олиб юрган экан. Бу ривоятни эшитганимда, беихтиёр давлатимиз раҳбарининг 2019 йилнинг 22 августида Халқ таълими тизимини ривожлантиришга бағишланган йиғилишда айтган сўзларини эсладим: “**Буюк аждодларимиз ўзларининг илмий ва ижодий кашфиётлари билан дунёга устозлик қилишган. Бошқаларга эргашма-ган, балки бошқаларни ўз ортидан эргаштирган. Биз ҳам эргашувчи эмас, эргаштирувчи кучга эга халқ бўлишимиз шарт. Акс ҳолда тараққий ёйи-дан чеккага чиқиб, яна таназзул ботқоғига ботамиз. Ота-боболаримиз эришган марраларни осонгина бой бериб қўямиз. Бу аждодлар руҳига, келажақ авлодларимизга хиёнат эмасми?**”

Бу сатрларни ўқир эканмиз, ҳар биримизнинг кўнгли-миздан буюк аждодларимизни бутун оламга танитган, илму фан ва кашфиётлари билан дунё тараққийоти-га ҳисса қўлишга шижоат бахш этган куч-қудрат нимада эди, деган савол ўтиши табиий. Бу саволга эрамиздан аввалги 717-734 йилларда яшаб ўтган буюк аждоди-миз Билга Ҳоққоннинг келгуси авлодлари учун тошга ўйиб қолдирган, асрлар оша бизга етиб келган мана

бу буюк ҳикматидан жавоб топгандекми: “**Эй туркий элим, сен ўзинга қайт, ўзингни англа, шундагина сен юксаласан**”.

Яратганга шукрки, ўзимизга қайтдик, ота-боболари-миз орзу қилган олий нёъмат — мустақилликка эриш-дик. Жаҳон харитасида Ўзбекистон, деган давлат пайдо бўлди. Хурлигимиз рамази бўлган байроғимиз жаҳоннинг нуфузли минбарларида ҳилпирамоқда. Қўлга киритган ва эришяётган ютуқларимиз дунё ҳам-жамиятининг юксак эътирофларига сазовор бўлмоқда.

Лекин афсуски, ҳануз ўзимизни ва ўзлимизни тў-лиқ англаб етолмаётганимиз ҳам бор гап. Акс ҳолда, миллий маънавиятимиз ва маданиятимиз кўзгусидан ўпқалашга, не ҳожат.

Халқимизнинг фозил фарзандлари, олим уламо-лари, ОАВ вакиллари ўзбек тили мавқеини ошириш билан боғлиқ муаммо ва тақлифларини тез-тез кўта-риб чиқмоқда. Бу куйинишлар шунчаки куруқ, балеанд-парвоз сўз эмас, балки миллат қайғуси ва туйғусидир: биз қачон Она тилимизни жон қадар қадрлашни ўрга-намиз?

Фарида ҚОРАҚУЛОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

ЭНГ ЖИДДИЙ ХАВФ-ХАТАР НИМАДА?

КОРРУПЦИЯ муаммоси ва унга қарши кураш маса-ласи ҳозирги даврнинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси 2008 йил 7 июлда БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш Конвенциясига, 2010 йил март ойида Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташки-лоти доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши кураш-нинг Истанбул режасига (2003 йил 10 сентябрь) қўшилган. Шунингдек, Олий Мажлис томонидан Жиноий даромад-ларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялашти-ришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи тўғрисида-ги битим (Москва, 2011 йил 16 июнь) 2011 йил 13 декабрда ратификация қилинган.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғриси-да”ги Қонуни ишлаб чиқилди.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жи-ноятга жазо, албатта, муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўриломоқда.

Коррупция билан боғлиқ жиноятчиликнинг хавфсизлик ва жамият тараққийотига соладиган қуйидаги таҳдидлари мавжуд:

биринчидан, сиёсий жиҳатдан олганда, коррупция амалга оширилаётган ислохотларга қаршилик кўрсатиш ифодасидир.

Коррупция домига илинган амалдорлар шахсий бойлик орттириш мақсадларини ва уруғ-аймоларининг манфаат-ларини давлат манфаатларидан устун қўяди. Бу эса, мам-лакатнинг сиёсий ва иқтисодий йўлига ҳамда аҳолининг аксарият қисмига тузатиб бўлмайдиган зарар етказиши.

Иккинчидан, жиноятчилик ва коррупциянинг авж олиши давлатнинг конституциявий асосларини емиради, фуқаро-ларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари жиддий тарзда бузилишига олиб келади. “Қонунлар ва фармонларни қабул қилишдан мақсад уларни четлаб ўтишдир”, деган мутлақо ярамас қоида жамиятнинг энг оддий ҳуқуқий тартибот ва жамоат тартибини сақлаб туриш қобилиятдан маҳрум бўлишига олиб боради.

Учинчидан, жиноятчилик ва коррупция жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емиради. Жамият эъзо-ларининг фуқаролик мавқеини йўққа чиқаради. Амалга оширилаётган ўзгаришларга салбий муносабат вужудга келиши учун шароит яратяди.

Тўртинчидан, “пул ҳокимиятга интилади”, деган бир ибора бор. Лекин бу пул жиноий йўл билан топишган бўл-са-ю, унинг эгалари жамиятнинг ҳокимият тузилмаларига чиқиб олсалар, улар қандай усуллар билан бошқаришлар-ни тасаввур қилиш қийин эмас.

Ҳокимият органларининг жиноятга аралашиб қолиши ривожланиётган жамият учун энг жиддий хавф-хатарлар-дан биридир.

Давлатнинг ўзини обрўсизлантиради. Мамлакат ичка-рисиди ҳам, ташқарисиди ҳам унга ишонсизлик ортиб боради.

Бешинчидан, нопок йўл билан бойлик орттирганлар жа-зодан қутулиб қолиш ва ўзларининг жиноий сармоялари-ни ҳимоя қилиш учун ҳар қандай хатти-ҳаракатларга тайёр туришларини яхши билиб олиш лозим. Бундай кимсалар адолатли жазодан қўриқиб, ҳамма ишни қилишга, ҳатто ва-зиятни беқарорлаштиришга, оммавий тартибсизликларни келтириб чиқаришга шай турадилар.

Олтинчидан, жиноий усуллар билан бойлик ва мўмай пул орттирган кимсаларнинг янги ҳуқуқ ҳимоячилари ва ҳатто демократия учун жафо чеккан курашчилар сифати-да сиёсатга кириб олишга ҳаракат қилаётганидан далолат берувчи мисоллар оз эмас.

Улар бундай хатти-ҳаракатлари билан инсониятнинг адолат ва демократия каби олижаноб идеалларига нақа-дар жиддий зарар етказяётганларини, ўз халқлари ва мамлакатлари шаънига доғ туширяётганларини айтиб ўтиришнинг ҳождати бормикин?

Еттинчидан, жаҳон ҳўжалик алоқаларига фаол инте-грациялашув, чет эл инвестициялари ва тадбиркорлари-ни иқтисодий ўзгаришлар жараёнига тортиш соҳасидаги аниқ мақсадга қаратилган фаолият бугун Ўзбекистон учун устувор вазифалар ҳисобланади. Бу мақсадларни рўёбга чиқариш шароитида коррупциячиларнинг хатти-ҳаракат-лари нафақат мамлакатимизнинг ҳалол фуқароларини тадбиркорликдан четлатади, балки чет эллик шерикларда ишонсизлик уйғотади ва уларни қўчүтиб қўяди.

Натижада мамлакат ғоят муҳим капитал маблағлар манбаидан, технологиялар ва тажрибадан, жаҳон иқтисо-дий тизимининг соғлом, соф қисмига қўшилиш имконияти-дан маҳрум бўлади. Бундай мамлакат халқлари хуфига ва жиноий тузилмалар тобора кўпроқ қизиқадиган ва фаол иш олиб борадиган макон бўлиб қолади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг келажаги-ни ва обрў-эътиборини қадрлайдиган ҳар бир виждонли фуқаро бу таҳдидни эсда тутмоғи даркор.

Дилшод АШУРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатаси раиси



ЧЕТДА ТУРИБ ИСМИ ЁКИ ФАМИЛИЯНИ ЎЗГАРТИРИШ МУМКИНМИ?



— РОССИЯДА доимий яшаётган Ўзбекистон фуқароси ўз фамилиясини ўзгартириши учун қаерга мурожаат этиши керак?

Наргиза АБДУЛЛАЕВА,
 Когон тумани

— Ўзбекистон фуқароси Россияда доимий яшаётган бўлса, у ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг чет элда яшовчи фуқаролари учун фамилия ўзгартириш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланганини билиши лозим.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 387-қарори билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қондаларига асосан Ўзбекистоннинг чет элда доимий яшовчи фуқароларининг ариза-

лари консул томонидан кўриб чиқилади. Зарур ҳолларда консул аризаچининг илтимоси асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлари ва ўзгартириш киритилиши лозим бўлган далолатнома ёзувларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали тегишли органлардан талаб қилиб олгандан сўнг Ташқи ишлар вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикасининг ёки ариза берувчи яшаб турган давлатнинг ваколатли органларидан ариза берувчининг исми-шарифини ўзгар-

тиришига рухсат берилганлиги ҳақидаги хулосани олиши зарур.

Ушбу хулоса асосида консул фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш ҳақида асосланган хулоса тузади ва уни йигма-жилд билан бирга ўзгартириш киритилиши лозим бўлган далолатнома ёзуви сақланиб турган ФХДЕ органига юборади.

Саволга Бухоро вилоят адлия бошқармаси масъул ходими Ҳомид ҲОТАМОВ жавоб берди.



ҲОКИМЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ ҚИСҚАРТИРИЛДИ

ДАВЛАТ томонидан тартибга солиш ва давлат хизматларини кўрсатиш сифатини янада такомиллаштириш, маъмурий тартиб-таомилларни қисқартириш, давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида Президентимизнинг "Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан 2020 йил 1 январдан бошлаб маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг функциялари ва ваколатлари тегишли давлат бошқаруви органлари ҳудудий бўлимларига ўтказилди.

Қарорга мувофиқ, тураржойларни нотуражой тоифасига ўтказишга рухсат бериш давлат хизмати бўйича 2020 йил 1 январдан бошлаб туман (шаҳар) ҳокимларининг қарор чиқариш тартиби бекор қилиниб, уларнинг ваколатлари туман (шаҳар) қурилиш бўлимларига ўтказилди ва амалда қарор ижроси таъминланди.

Яъни, бугунги кунда туманлар (шаҳарлар) қурилиш бўлимлари томонидан тураржойни нотуражой тоифасига ўтказишга рухсатнома бериш тизими ишга тушди.

Бу орқали, мазкур соҳадаги давлат хизматлари кўрсатиш бизнес жараёнининг бир неча мартага қисқаришига, сифатининг ошишига, энг муҳими, қонунбузилиш ҳолатларининг олди олинишига эришилади. Рухсатнома 8 кун муддатда шаклланади ва ҚК асосида ваколатли идоранинг масъул ходими томонидан амалга оширилади.

Бу тартиб жорий қилингунига қадар бўлган жараёни таҳлил

қиладиган бўлсак, 2019 йилнинг ўзида Тошкент шаҳри кесимида ушбу давлат хизматидан фойдаланиш бўйича 1402 та ариза келиб тушган бўлса, улардан 1033 таси қаноатлантирилган. Бироқ қаноатлантирилган аризаларни кўриб чиқишда қатор қонунбузилиш ҳолатларига ҳам йўл қўйилган, яъни 433 та аризаларнинг ижро муддати бузилган, 219 та ҳолатда эса асосиз рад этиш каби қонунбузилишларга йўл қўйилган.

Йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатларининг тахлили шуни кўрсатадики, аксарият ҳолатларда туман қурилиш бўлимлари томонидан тураржойларни нотуражой тоифасига ўтказиш бўйича ижобий хулоса тақдим этилганлигига қарама-дан, туман (шаҳар) ҳокимларининг тегишли қарорлари чиқиш ҳолати кечиктирилган ёхуд қарор чиқариш жараёни бутунлай тўхтаб қолиб, аризалар асосиз равишда рад этилган.

Бу эса, ўз навбатида, қанчандан-қанча тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларини бошлашига ёки ривожлантиришига тўсиқ бўлиши билан бир қаторда, 1400 дан ортиқ иш ўринлари ва давлат бюджетига қўшимча солиқ тушумларининг тўланмасдан қолишига сабаб бўлган.

Эндиликда, бу каби қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйиш ҳолатлари бартараф этилиб, фуқаролар ва тадбиркорларга сифатли ҳамда шаффоф давлат хизматлари кўрсатилишига эришилади.

Жамшид ЮСУПОВ,
 Давлат хизматлари Агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиги ўринбосари

ҲУҚУҚШУНОСЛАР УЧУН ТРЕНИНГ ЎТКАЗИЛДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ҳимояга муҳтож ва заиф шахсларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш, уларнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шунинг баробарида ҳимояга муҳтож шахслар билан ишлайдиган вакилларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистондаги суд-ҳуқуқ ислохотлари бўйича АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) дастури доирасида 27-28 январь кунлари Тошкент шаҳрида "Аҳолининг ҳимояга муҳтож гуруҳларига ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар бериш" мавзuida Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқшунослари учун тренинг ўтказилди.

Тадбирда USAIDнинг (JRUP) дастури директори ўринбосари Наташа Рашич ҳамда мазкур лойиҳа раҳбари Р.Назаровалар маърузаси тингланди.

Тренинг мақсади ҳуқуқшуносларнинг аҳолининг ҳимояга муҳтож гуруҳларига ҳуқуқий ёрдам ва маслаҳатлар беришдаги салоҳиятини ошириш, бу борадаги кўникмаларини янада шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган.

Унда ҳуқуқшунослар учун долзарб бўлган мавзулар ўз ифодасини топди. Жумладан, халқаро қонунчилик ва уни миллий қонунчиликка имплементация қилиниши, аҳолининг турли ҳимояга муҳтож гуруҳларига маслаҳатлар бериш хусусиятлари, гендер тенгликка асосланган маслаҳатлар, грант лойиҳалари доирасида Ўзбекистонда ҳуқуқий ислохотларни амалга ошириш тўғрисида аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришнинг усуллари, аҳолининг ҳимояга муҳтож айрим гуруҳларига оид миллий қонунчилик, аҳолининг заиф гуруҳлари билан ишлашда коммуникация усулларида фойдаланиш ҳақида батафсил тушунтиришлар берилди.

Иштирокчиларнинг амалий кўникмаларини янада шакллантириш мақсадида тадбирда ақлий ҳужум, кейс-стади, гуруҳларда ишлаш усулларида фойдаланилди.

Ўз мухбиримиз



ФОТОФАКТ

ШУ БИЗНИНГ МАҚОМИМИЗГА ТЎҒРИ КЕЛАДИМИ?

КУНИ кеча ишдан қайтаётиб, дилни хира қилувчи манзарага кўзим тушди. Чилонзор тумани "Муқимий" кўчасида жойлашган ахлат қутиси ён-атрофи ҳар хил чиқиндилар уюми билан тўлиб, ўтган-кетганининг (агар эътибор қаратишган бўлса) нигоҳига тушиб турибди.

Энг ачинарлиси, ахлат қутининг ичи бўм-бўш. Наҳотки, ахлат қутигача чиқинди олиб келган одамга ичига ташлаш шунча қийин бўлган бўлса? Устига-устак шундоққина ахлат қутиси ёнидаги ёштдан қурилган устун ҳам "чиқинди чўққиси"га айланибди.

Чиқиндилар атрофга сочилиб кетганидан оёқостиға ўралашиб қолади.

Бу ҳам етмаганидек, атрофни бадбўй ҳид тутган. Наҳотки, пойтахтимизнинг гўзал хусни шу муносабатга лойиқ бўлса? Ҳамма нарсанинг меъёри бор. Одбосизлик ҳаддидан ошганда қонунлар ёрдамга келади, деганларидек, бундай беандишаллик учун ҳам жавобгарлик бор.

Хусусан, қонунчилигимизда чиқиндиларни дуч кел-

ган жойга ташланганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган, бундан хабарингиз борми?

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга кўра, белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини ташлаш, шунингдек, суяқ маиший чиқиндиларни тўкиш:

- фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг 3 бараваригача;
- мансабдор шахсларга эса энг кам ойлик иш ҳақининг 3 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади.

Ачинарлиси, бу ҳурматсизликни беғоналар эмас, ўзимиз содир қилаёلمиз. Халқимизда сал кўполроқ бўлса-да, ҳўп ва жўн мақол бор: "Ҳайвон ҳам ўз ўрнини тозалаш ўтиради", деган. Аммо ўз яшаш жойининг озодлигию, тозаллигига эътибор бермай, беҳурматлик қилган қўштирноқ ичидаги баъзи кимсаларга аҳамиятсиз ҳисобланган бу ҳолат асрлар ошиб, қадриятларимизга путур етказиши турган гап.

Гулҳаё НУРМЕТОВА,
 "Инсон ва қонун" мухбири

БАРАКАЛЛАЧИ

ёки кўрпангга қараб оёқ узат



ҲИСОБИНИ БИЛМАГАН ҲАМЁНИДАН АЙРИЛАР...

Наргиза АСАДОВА,
 ҳисобчи:

— Ишхонамизда бир ҳамкасбимиз бор. Доим ойликдан гап очилса, тўй қилишим керак, ўзимдан ортмаяпти, тўйни қандай қиламан, деяверади. Одамзот қизиқ-да. Нега йиллар давомида йиғиб-терганимизни бир кунда сочиб юборамиз?! Ахир бу пулларга ёш оила учун зарур бўлган жиҳозлар олсак бўладику! Ёки ёш оилани тадбиркорликка йўналтиришга ишлатсак, уларнинг ҳам бири икки бўлиб турибди-да.

Тўйларни ихчам, ортиқча сарф-харажатларсиз ўтказиш эвазига тежаб қолинган маблағга ёш оила ўзини тиклаб олиши мумкин.

ОДАМЛАР, ПУЛНИ СУПУРИБ ОЛАЯПСИЗМИ?

Дилноза САГДИЕВА,
 тарбиячи:

— Қиммат келин кўйлақлар, қўша-қўша тоғоралар, охири йўқ патнислар, оқурад маросимида шохона кутиларми, сандиқлар... Одамлар, нима бўляпти Сизга? Ёки пулни супуриб олаяписизми? Одам сал ақл билан иш қилиши керакмасми?

ҚИЗИЛҚУМ ТОМОНЛАРДА...

Ойсара НУРИМБЕТОВА,
 меҳнат фахрийси:

— Мен сизга бир удумнинг салбий жиҳатини айтиб бермоқчиман. Айрим миллатларда қизларни келинликка ўғрилаш удуми бор. Бу удумдан бизнинг Қизилқум ҳудуди ҳам ҳоли эмас. Лекин мен шундай ҳолатларнинг гувоҳи бўлганманки, қизларнинг розилигисиз, ота-оналарнинг оқ фотиҳасисиз қурилган оилада ногирон фарзандлар туғилган, ҳеч вақт ўтмасдан ёшлар ажралиб кетган ёки келинлар турмушидан бир умр норози бўлиб яшаяпти. Энг ачинарлиси, қизларни олиб қочаётганда содир бўлаётган фожиалар бу удумнинг хавфли иллат эканлигини кўрсатиб турибди.

МЕНИ ЎЙЛАНТИРГАН САВОЛ

Соҳиба ҲОЖИБОБОВА,
 уй бекаси:

— Икки ўғлимни уйлантиришим керак. Ўзимиз уч хонали уйда турамыз. Ўзим ишламайман. Турмуш ўртоғимнинг топгани эса рўзгордан ортмайди. Тўйни амаллаб ўтказиб олармиз, лекин ёш оилаларни қаерга жойлаштираман. Болаларимнинг ёши улғайиб борар экан, бу савол мени доим қийнаб келади.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз жуда кўп. Улар туғанмас. Асрлар оша ҳам тўйлардаги дабдаба, кимўзарлик, исрофгарчилик тугаганича йўқ. Давом этмоқда. Биз эса ўзимиз истамайдиган, Абдулла Авлоний айтгани каби баракаллачилар кўзи учун яшашдан ўзимизни қачон тиямиз?

Дилфуза ЭРГАШЕВА,
 "Инсон ва қонун" муҳбири

ЎСПИРИНЛАР КУРАШДАН УЗОҚДА...

Лайло ҲАЙИТОВА,
 журналист:

— Авваллари тўйларимизда ўспиринлар курашга тушарди. Бу ҳам ўзбекнинг ғурури ва орияти саналади-ку.

СЕНДА КАШТА ҚАНИ?

Гулшан АСЛОНОВА,
 шифокор:

— Нуротада қизлар сепида қўлда тикланган жуда кўп кашталар бўлиши шарт. Бу ҳам миллий қадриятларимиздан бири саналади.

ОВБОРАМИЗ

Шарифа ҚОДИРОВА,
 пенсионер:

— Қизимни узатиш учун кредит олиб мебель олгандик, энди кредитни тўлай олмай сарсонман.

ЭСКИ ҲАММОМ, ЭСКИ ТОСМИ?

Абдурахимхўжа БАФАЕВ,
 ҳуқуқшунос:

— Тўйларнинг қисқартирилгани яхши, албатта. Аммо тўй ўтказиладиган тўйхоналарда меҳмонлар сони 200 киши бўлса ҳам, аввалги минг кишилик нарх-навоми талаб қилишяпти. Бу эса инсофдан эмас.

ҚАЛИН ПУЛИ ҚАДДИНГИ ЭГСА...

Моҳира СОЛИЕВА,
 педагог:

— Қиз учун куёв томондан миллион-миллион сўм қалин пули олиш ҳам кундан-кунга оммалашиб бормоқда.

КУЁВСАЛОМИ НИМАСИ?

Мухтор ОЛИМОВ,
 хизматчи:

— Тўйдан кейинги тонгда куёвнинг келини ота уйига ўнлаб оғайнилари билан куёв саломга бориши, дастурхон тузатиш ва куёв билан қўшилиб борганларнинг барчасига совғалар берилишини ҳам назорат қилиш керак.

ТАҚИНЧОҚ ВА СОВҒА БАХТ БЎЛОЛМАЙДИ

Содиқ ОБИДОВ,
 тадбиркор:

— Тошкент шаҳрида келин салом келиннинг ота-оналари томонидан куёв тарафга зумрад тақинчоқлар ва қимматбаҳо совғалар беришни йўқотиш керак.

ЁШЛАРНИ ЁШ ДЕЙМИЗ, КЕКСАЛАРГА НИМА БЎЛГАН?

Тамара БУТАЕВА,
 психолог:

— Тўйларимиздаги дабдаба ва янгидан-янги ўйлаб топилган анъаналарни кўриб ҳайратланамиз. Ёшларимиз баъзан охирини ўйламай тўйларини барчанинг ҳаваси келадиган қилиб ўтказишни исташса, булар ёш-ку дермиз, аммо кўпни кўрган ота-оналаримиз-чи? Улар ҳам кимдан каммиз, дея имконияти етмаса ҳам қарз олиб тўй қилишмоқда. Тўйнинг эртаси кўни келин салом ўтмай туриб, қарздорлар қарзини сўрашса ёш келин-куёвни дуо қилиб, хизматини кўриб роҳатланиш ўрнига қарз тўлашни ўйлашади.

ИСРОФНИНГ УВОЛИ ЁМОН

Мурод ҚУРБОНОВ,
 тадбиркор:

— Тўйларни ихчамлаштиришга оид қарор чиққанига қарамай, бачкана тўйлар кўпайиб кетяпти. Бу биринчидан қонунларни писанд қилмаслик бўлса, иккинчидан исрофгарчилик. Тўйларга сарфлаган маблағни қийналган, ногирон ва бошқа муҳтожларга ишлатиб, савоб олсак бўларди.

АКАДЕМИК ТАЪТИЛ ОЛСАМ БЎЛАДИМИ?



— ОЛИЙ таълим даргоҳининг 2-боқич талабасиман, янги туғилган чақалоғим бор. Дарсларга ўз вақтида қатнай олмаппман. Айтинг-чи, академик таътил олишим мумкинми?

Шоҳиста СОБИРОВА,
Бахмал тумани

— Ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, болаларни парвариш қилиш учун академик таътил берилиши мумкин:

Академик таътил олиш учун талаба таълим муассасаси ректори номига ариза билан мурожаат қилади.

Саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек, болаларни парвариш қилиш учун академик таътил олишни сўраб мурожаат қилган талабанинг аризасига тиббиёт муассасаси комиссиясининг хулосаси, ҳарбий хизматни ўташ учун академик таътил олишни сўраб мурожаат қилган талабанинг аризасига талабани ҳарбий хизматга чақириш ҳақидаги қақирув қорози илова қилиниши лозим. Талаба сурункали касаллиги сабабли

бир ойдан ортиқ вақт давомида дарсларда қатнаша олмас, унинг аризасига асосан академик таътил берилиши мумкин. Бунда, академик таътил муддати ўтишининг бошланиши талаба дарсларда қатнаша олмаётган кундан бошлаб ҳисобланади.

Саломатлигини тиклаш учун академик таътилда бўлган талабаларда ҳомиладорлик ва туғиш ҳоллари юзга келган тақдирда, академик таътилнинг муддати ҳомиладорлик ва туғиш учун белгиланган академик таътилнинг муддатига узайтирилади.

Талаба академик таътилга чиққан кундан бошлаб 1 ой ўтмаган бўлса, академик таътилни бекор қилиш ва ўқишга қайтишни сўраб таълим муассасасига ариза

билан мурожаат этишга ҳам ҳақли.

Академик таътил ўқув йилининг ҳар қандай қисмида, қуйидаги муддатларга берилади:

- ҳарбий хизматни ўташ учун — қонун ҳужжатларида белгиланган ҳарбий хизматни ўташ муддатига;
- саломатлигини тиклаш учун — 12 ой муддатга;
- ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни парвариш қилиш учун — қонун ҳужжатларида белгиланган ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек, болаларни парвариш қилиш таътиллари муддатига.

Саволга Жиззах вилоят солиқни сақлаш бошқармаси ҳуқуқшуноси Санақул РАЗЗАҚОВ жавоб берди.

ЭКОЛОГИЯ КОДЕКСИНИ қабул қилиш вақти келди!

Давоми. Бошланиши 1-бетда



“БУҒХОНА ҲОДИСАСИ” КЕЛИБ ЧИҚАЯПТИ

Ҳисоб-китобларга кўра, ҳар йили атмосферага 100 миллион тоннадан ортиқ углеводород чиқарилар экан. Шунинг 74 фоизи ривожланган давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Олимларнинг фикрича, ўрмон ёнғинлари оқибатида атмосферага чиқаётган карбонат кислотаси саноат чиқиндиларининг 50 фоизига тенг. Ҳавога кўтарилган тугун атмосферанинг юқори қатламида куйинди зарраларини кўпайтиради. Оқибатда, сайёрамизга қуёшдан келаётган иссиқлик энергияси қайтадан коинотга ёйилиши ўрнига Ернинг ўзида қолиб, “буғхона ҳодисаси”ни келтириб чиқармоқда.

Бундан кўриниб турибдики, инсоният тахминан ўн йил муддат ичида экологик фаолкатларнинг олдини олиш ва умуман табиатга нисбатан муносабатини тубдан ўзгартириши лозим, акс ҳолда кейин кеч бўлиши ва экологик инқирозлар кўпайиши мумкин.



200 МИЛЛИОНДАН Ортиқ одамлар кўчишга мажбур бўлади

Шу ўринда яна бир мисол тариқасида, айрим рақамларга эътибор қаратсак: Сайёрамиз аҳолисининг 20 фоизи табиий ресурсларнинг 80 фоизини истъёмол қилади. Ҳар кун 5000 нафар инсон ифлосланган ичимлик суви истъёмол қилганлиги туфайли вафот этади. 1 миллиард инсон санитария нормаларига кўра хавфсиз ҳисобланувчи ичимлик сувдан фойдаланиш имкониятига эга эмас. 1 миллиард инсон оқликдан қийналмоқда. Бутун дунё бўйича сотиладиган буғдойнинг 50 фоиздан кўпроги қорамолни боқиш ёки биоёқилги сифатида ишлатиш учун сарфланади. Ҳайдаладиган ерларнинг 40 фоизи ёмон аҳволга тушган. Ҳар йили Ер юзиде тахминан 13 миллион гектар ўрмонлар йўқ қилинмоқда. 4 сут эмизувчидан бири, 8 та қўшдан бири, 3 та сувда ҳам қуруқликда ҳам яшайдиган турлардан бири йўқ бўлиб кетиш арасида турибди. Биологик турлар табиий суьратларидан 1000 баравар тезроқ йўқ бўляпти. Балиқ захираларининг 75 фоизи йўқ бўлган, овланган ёхуд йўқ бўлиш арасида турибди. Сўнгги 15

йил ичида ўртача ҳарорат энг юқори кўрсаткичга чиқди. Сўнгги 40 йилликда кўтб музликлари қалинлиги 40 фоизга қисқарди. 2050 йилга келиб, иқлим ўзгаришидан кўчишга мажбур бўлган кишилар сони 200 миллиондан ортиши кутилмоқда.

Бу маълумотлар, ўз навбатида, мамлакат экологик хусусиятидан келиб чиқиб амалдаги экологик қонунчилик талабларига қатъий риоя этиши ва бу соҳадаги қонунчиликни замон талаби асосида такомиллаштиришни талаб этади.



ҚАНДАЙ ЧОРАЛАР КЕРАК?

Давлатимиз раҳбари Мурожаатномада “ҳукумат саноат ривожининг экологияга таъсирининг олдини олиш бўйича 2025 йилгача мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишни ва нуфузли халқаро экспертларни жалб этган ҳолда, жорий йилнинг 1 октябрига қадар Экология кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиши лозим”, деб таъкидлади.

Бундан кўриниб турибдики, экологик муаммоларни ҳал этиш ва уларнинг олдини олишда табиат ресурсларидан оқилонга фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда аҳоли ва ёшларнинг экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбиясини янада такомиллаштириб боришда, айниқса, бугунги кунда экологияга оид қонунчиликнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у замонавий чўқур ҳуқуқий биллиmlарни ҳам талаб этади.

Бугунги кунда ҳуқуқшунос кадрларни халқаро талабларга мос тайёрлаш вазифасини амалга ошириш ва унга асосан Тошкент давлат юридика университети талабаларига “Экология ҳуқуқи”, “Аграр ҳуқуқи”, “Энергетика ҳуқуқи”, “Ер ҳуқуқи” фанларининг ўқитилиши мазкур масалани ҳуқуқий омили ҳисобланади ва бошқа олий даргоҳларда ҳам янги бир қатор фанларни ўқитиш давр тақозосидир.

Юқоридаги кўрсатмалар асосида мамлакатда табиий ресурслардан, жумладан, ер, сув, ерости бойлиқлари, ўрмон, атмосфера ҳавоси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёларидан фойдаланиш соҳасидаги муаммолар, уларнинг экологик-ҳуқуқий ҳолати, бу соҳада давлат бошқаруви ва назорат этиш тартиби, экологик қонун талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик турлари ҳамда қўлланладиган жазо чораларини қўллаш ҳамда амалдаги экологик қонунчиликка айрим қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мақсада мувофиқдир.



ЭКОЛОГИЯ ҚОНУНЧИЛИГИ ҚАЙ АҲВОЛДА?

Эколо-гияга оид норматив-ҳуқуқий базанинг ҳозирги ҳолатини баҳолай туриб, даставвал, уларнинг микдори етарлича эканлигини, айрим ички қарама-қаршиликларнинг мавжудлигини, баъзи нормалар бир-бирини қайтаришини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу ҳолатлар норматив-ҳуқуқий база мазмунининг амалиётда талаб даражасида қўлланишига салбий таъсир қилади.

Шу маънода ҳозирги кунда экология фаолиятини тартибга солиш учун қонунчиликни тизимлаштириш мўҳим вазифа ҳисобланади. Бу ўринда асосий вазифа тариқасида экология қонунчилигини ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг талаб даражасида мавжуд бўлишини таъминлаш лозим.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, экология тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантиришнинг устуворлиги қуйидаги йўналишлар бўйича белгиланади:

- табиат ресурсларидан оқилонга фойдаланиш ва уларни экологик ҳуқуқий муҳофаза қилишни мустаҳкамлаш;
- экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида амалда бўлган қонунчилик ҳужжатлари батасил ўрганилиши — тафтиш қилиниши, уларнинг тугал бўйхати тўзилиши, эскирганларини бекор қилиш, тегишли ўзгартиришлар киритилиши;
- экология соҳасини тартибга солишчи яхлит миллий қонунчилигимиз ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши ҳамда бунда экологик хавфсизлик талаблари эътиборга олиниши;
- табиатни муҳофаза қилишнинг умумий шартлари, принциплари, тартиблари ва бу соҳада фаолият юритиш вазифаси юкланган давлат ва бошқа нодавлат органлари ваколатлари чегаралари, жавобгарликларини назарда тутувчи кенг қамровли, халқаро андазаларга мос замонавий махсус қонун, Экология кодекс Концепциясини ишлаб чиқиш ва Экология кодексини қабул қилиш мўҳимдир.



НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Эътиборли томони шундаки, шу кунгача экологик қонунчилик тизимида Экология кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қи-

лиш масаласида айрим фикрлар мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда экологик қонунчилик тизимида “Экология кодекси”ни ишлаб чиқиш ва уни қабул қилишнинг бир қанча вариантлари мавжуд эди.

Биринчи лойиҳа: экология қонунчилигини тубдан ўзгартириш, шу билан бир қаторда уни бошқача тахрирда, яъни “Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунлари шаклида қабул қилиш таклиф этилган эди.

Иккинчи лойиҳа: ягона экология кодекси қабул қилиниши билан боғлиқ бўлиб, Экология кодексининг аниқ тизими таклиф этилган фикрлар ҳам мавжуд эди.

Юқоридагилар асосида, биринчидан, экологик қонунчиликнинг бугунги ҳолати ҳамда Ўзбекистоннинг экологик сиёсати яқин истиқболда экологик қонунчиликни кодификациялашни тақозо этмоқда. Ушбу масалада аксарият ўзбек ҳуқуқшунос олимлари ва халқ вакиллари яқдиллик билан ёндашмоқдалар.

Иккинчидан, сув ва ўрмон қонунчилигини такомиллаштириш ҳам давр талабига айланиб улгурди. Бугунги кунда Марказий Осиёда ва шу жумладан, мамлакатимизда ҳам сув муаммоси анча кескинлашди. Бу ўз навбатида, сув соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш асосларини замон талаблари билан ҳамнафас ҳолда қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Ўзбекистондаги ҳозирги экологик вазият айни дамда ўрмон қонунчилигини такомиллаштиришни ҳам талаб қилади.

Учинчидан, экологик муаммоларни, айниқса, трансчегаравий тусдаги масалаларни ҳал этишда халқаро ҳамкорлик масаласига ҳам эътибор қаратиш лозим. Бизнингча, Марказий Осиё мамлакатлари трансчегаравий экологик муаммоларни ҳал этиш бўлишида фаолиятини мувофиқлаштириб, айнан ушбу масалага бағишланган ҳолатлар Экология кодексига ўз ифодасини топиши ва бу соҳада яна алоҳида конвенция қабул қилиниши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчидан, Экология кодекси қабул қилиниши билан бир қатор экологик қонунлар тизимида қатта ўзгаришлар рўй бериши ва айрим нормалар бекор бўлиши мумкин. Шундай экан, бу соҳада хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ва бугунги кундаги амалиётдан кенг фойдаланиш лозим.

Жуманазар ХОЛМЎМИНОВ,
Тошкент давлат юридик университети
“Экология ва аграр ҳуқуқи”
кафедраси профессори, юридик
фанлар доктори

ҲАММАСИ очкўзликдан бошланди. Бировнинг ҳақиқа хиёнат қилиш гуноҳлигини унуттишдан, давлат мулкни талон-торож қилганлар қонун олдида жавоб бериши муқаррарлигини писанд қилмасликдан бошланди. Қирқ олти ёшга кириб ҳам ақли кирмаган одамлардан бири Шокир Шаропов (исм-шарифлар ўзгартирилган)дир.

“БОШСИЗ” БОШ ҲИСОБЧИ

ёхуд унинг қилмишлари



сўм пул маблағини кўшган ҳолда расмий ҳужжатга сохта маълумотлар киритиб, жами 18.158.200 сўм пул маблағини пластик картага ўтказиб, ўзлаштирган.

Халқимизда “Урганган кўнгил ўртанса қўймас”, деганларидек, бош ҳисобчи жинойи ҳаракатларини такроран давом эттириб, шу умумтаълим мактабида хизматчи вазифасида ишловчи турмуш ўртоғи Шаҳодат Олимованинг фойдаланувида бўлган пластик картага 2017 йил август ва октябрь ойлари иш ҳақиға асоссиз равишда 2.861.100 сўм, шунингдек, олдинги ойларида тўланмай қолган иш ҳақи бўлмаса-да, шундай иш ҳақиға ҳисоблаб апрель, август ва ноябрь ойларида 2.966.900 сўм пул маблағини қўшиб ёзиб, расмий ҳужжатга такроран сохта маълумотлар киритиб, яна 15.960.400 сўм пул маблағини пластик картага ўтказиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаган.

“Бошсиз” бош ҳисобчи жинойи ҳаракатларини такроран давом эттириб, энди шу мактабда электик вазифасида ишловчи укаси Холмурод Шароповнинг фойдаланувида бўлган пластик картага сўм пул маблағини киритиб, расмий ҳужжатга такроран сохта маълумотлар киритиб, жами 12.711.400 сўм пул маблағини пластик картага ўтказиб, ўз манфаатлари учун ишлатган.

Шокир Шаропов “Кўза кунда эмас, кунда синади”, деган мақолни унутиб қўйгани аниқ. Йўқса, очкўзлик деган бало ўз мансаб вазифасини суиистеъмоли қилиб, давлат маблағини “хамирдан қил суғургандек” осонгина олиб, жигилдонига сариёғдек уриб юрган бош ҳисобчини суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур қилмасди.

Чунки Молия вазирлигининг 2019 йил 20 июндаги ва Бухоро вилоят Давлат молиявий назорати бошқармасининг 2019 йил 24 июндаги буйруқларига асосан 2019 йил 24 июнь кунини танлов асосида 2017 йилдаги ўқитувчи ва ишчи-ходимларга берилган ойлик иш ҳақлари, рағбатлантириш пуллари ва қайта ҳисоб-китоб қилиш пуллари юзасидан таҳлил ўтказилганда, ҳисобланган ойлик иш ҳақлари ва қайта ҳисоб-китоб пуллари шубҳали тарзда тўланганлиги аниқланди. Унинг иштирокида Бухоро вилояти молия бошқармаси биносида “УзАсбо” дастуридаги маълумот-

ларга асосан ва АТБ “Агробанк” ГИЖДУВОН туман филиали томонидан тақдим қилинган ходимларнинг пластик карточкаларига тушган пул маблағларининг айланмасига асосан ўрганиш ўтказилди. У мактабда бош ҳисобчи вазифасида ишлаган даврда 3 та ҳолатда 46.830.000 сўм пул маблағи ортқича ҳисоблаб тўлаб берилганлиги аниқланди.

Жиноят ишлари бўйича ГИЖДУВОН туман суди ўз биносида очик суд мажлисида қўриб чиққан мазкур ҳолат юзасидан сўроқ қилинган судланувчи Шокир Шаропов ўзига нисбатан эълон қилинган айбга тўлиқ иқроор бўлди.

Жиноятчининг қора қилмишлари барча далиллар билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд инсонпарварлик қилиб, унинг бу жиноятига, давлат маблағига, ўз касбига хиёнатига енгил жазо берди. Ўзлаштирилган 46.830.000 сўмлик маблағларни суд мажлисида қадар бюджет ҳисобига тўлиқ тўлаганлигини, айбига тўлиқ иқроорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушай-

монда эканлигини, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзанди борлиги ва оиласида ёлғиз боқувчи эканлигини инобатга олиб қонуний енгиллик берди.

Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича Шокир Шароповга узил-кесил, қатъий жазо 1 йилу 6 ой муддатга моддий жавобгарлик ишларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 120 баваари миқдорида, яъни йигирма миллион олти юз олти миш саккиз миш саккиз юз сўм жарима жазоси тайинланиб, тайинланган жарима давлат фойдасига ундирилиши ҳукм қилинди.

Ишсиз қолган бошсиз бош ҳисобчи Ш.Шароповнинг очкўзлиги қимматга тушди.

Маруса ҲОСИЛОВА,
“Инсон ва қонун” мухбири

ЭЛЧИХОНАГА ҲАЙДОВЧИ ИЗЛАГАН ФИРИБГАР



ОЛИЙ маълумотли Обид Амиров (исм-шарифлар ўзгартирилган) бирор тайинли ишнинг этагидан тутмай, Тошкент шаҳрида киракашлик қила бошлади. Шу йўсинда тирикчилик қилиб юрган пайтида Саид Султонов билан танишиб қолди. У Саида “тузурак” ишлар борлиги ҳақида гапириб, Қувайт элчихонасига ишга кирганлигини, элчихонага тажрибали ҳайдовчи йигитлар кераклигини, агар топиб берса, уни ҳам “курук” қўймаслигига шама қилди. Саид Султонов унинг қуруқ қўймайман, деган сўзларига учиб, “ҳайдовчи топиб бераман”, деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Саид жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг 2016 йил 14 сентябрдаги ҳукми билан фибрибарлик, пора бериш, ўғрилиқ жиноятларини содир этиб, 8 йилга озодликдан маҳрум этилган, ҳозирги вақтда озодликдан маҳрум қилиш жазоси ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган бир пайтда Обидни бу йўлдан қайтариш ўрнига унинг ишларига шерик бўлди. Жиззахлик таниши Собир Содиқовга Қувайт элчихонасига ҳайдовчи керак бўлаётганлигини, бу ишга уни

раво кўрганлиги ҳақида тўлқинланиб гапирди ва агар ишламоқчи бўлса, Тошкентга келиб элчихона ходимига учрашиб кетишини тайинлади. С.Султонов Собирни Олмазор метро бекати ёнида кутиб олиб, уни “Қувайт элчихонасига ишлаётган таниши”нинг хузурига олиб борди. Аввал келишилганидек, элчихона дарвозаси олдида “кадрлар бўлими ходими” Обид Амиров пайдо бўлди ва иш ҳақи дастлаб 800 АҚШ доллари, кейин 1800 АҚШ долларигача кўтарилишини айтиб лоф урди. С.Содиқов севинганидан элчихонага бошлаб келган дўстининг қўлига 100 АҚШ долларини “закалат” тариқасида қолдириб, бир неча кундан сўнг кўнгираклашишга келишиб, Жиззахга жўнаб кетди. Орадан бир ойдан ортқ вақт ўтса ҳамки тошкентлик “элчихона ходимлари”дан хабар бўлавермагач, Собир Обид Амировга сим қоқди. О.Амиров Собирга унинг ўрнига ҳайдовчи олганликларини, агар хоҳласа уни бошқа ишга, яъни элчихонага кириб-чиқиб турган одамларни рўйхатга олувчи вазифасига ишга жойлаштиришини айтди. Собир Содиқов элчихонага ҳайдовчи бўлиб ўтаёт-

ганлигини бутун дўстлари ва қариндошлари эшитганлигини, энди қандай бўлмасин шу ишга кириши кераклигини куюниб сўзлади. “Элчихона ходими” унга раҳми келди шекилли, агар 4.000.000 сўм берса ҳайдовчиликка кириши мумкинлигини айтди. С.Содиқов ўйлаб-ўйлаб алданганлигини тушуниб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига ариза билан мурожаат қилди. Жиззахга ташриф буюрган “элчихона ходими” С.Содиқовдан 300 АҚШ долларини фибрибарлик йўли билан олаётганида вилоят ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинди.

Суд томонидан судланувчилар О.Амиров ва С.Султоновларнинг жинойи ҳаракатлари учун уларга қилмишларига яраша жазо тайинланди.

Ғиёсиддин ЯЛГАШЕВ,
жиноят ишлари бўйича Ш.Рашидов
туман суди раиси,
Шухрат СУЯРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

ЭЪЛОН

Сергели туман Давлат хизматлари маркази томонидан (Сергели тумани, Обҳаёт кўчаси, 3а-уй) 2018 йил 12 ноябрда 649171 сонли реестр рақами билан давлат рўйхати олинган “BUNYODKOR OSIYO” МЧЖ манзили Сергели тумани, Қўйлик-5 мавзеси, Янги Қўйлик-5 кўчаси СТИР 305 849 759 таъсисчисининг 2019 йил 10 апрелдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилади.

Давволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қорхона почта манзили бўйича қабул қилинади.

Тел.: (91) 191-00-30.

ИНСОН ВА ҚОНУН

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

ISSN 2010-7677

4720307989084

Бош муҳаррир

Кўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Акбар Журабоевич
Рабиёв Шерзод Миржалилович
Тожиёв Фурқат Шомуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Навбатчи
Мадина Ҳамдамова
Саҳифаловчи-дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уюнда чоп этилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навой кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 6154
Буюртма — V-4048

Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 23:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоסי келишилган нарҳда

1 2 3 4 5

СУДЬЯ

КИМГА БЎЙСУНАДИ?



Президентимизнинг 2019 йил 13 декабрдаги "Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори одил судловни амалга ошириш ва суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларидан бири бўлиб, мазкур Қарорга мувофиқ давлат бошқарув органлари зиммасига суд ишларини ҳал этишга аралашиб, жумладан, ишнинг ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона ўрганилишига тўққинлик қилиш, адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судьяга турли шаклда таъсир ўтказиш ҳолатлари бўйича жавобгарликни кучайтиришга оид қонун ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасида судьяларнинг мустақиллиги, фақат қонунга бўйсундилари ҳамда судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашига йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, судьяларнинг мустақил ва фақат қонунга бўйсунган ҳолда иш юритишнинг конституциявий нормалар билан кафолатланиши суд ҳокимиятига бошқа ҳеч қайси орган ваколатига тааллуқли бўлмаган ҳуқуқ, яъни одил судловни амалга ошириш ҳуқуқи берилганлиги билан изоҳланади.

Жиноят-процессуал кодексининг 14-моддасида одил судловни амалга оширишда судьялар ва халқ маслаҳатчилари мустақиллиги, фақат қонунга бўйсундилари ҳамда судьялар ва халқ маслаҳатчилари жиноят ишларини қонун асосида кўриб чиқишлари, ҳал қилишлари, шунингдек, судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг одил судловни амалга ошириш фаолиятига бирон-бир тарзда аралашига йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши ифодаланган.

Ушбу нормага кўра, судьялар ва халқ маслаҳатчиларига ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини монеликсиз, самаран

ли амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратилади. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига ҳар қандай тарзда аралашиб қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Ҳеч ким судьялар ва халқ маслаҳатчиларига таъйик ўтказишга ҳамда муайян жиноят иши қандай ҳал этилиши лозимлигини ўргатишга ҳақли эмас. Ишнинг ҳолисона кўриб чиқилишига тўққинлик қилиш ёки ноқонуний қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга, халқ маслаҳатчиларига ҳар қандай таъсир ўтказиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Ушбу жиноий жавобгарлик мазмуни Жиноят кодексининг 236-моддасида суд ишларини ҳал этишга аралашиб, яъни ишни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона ўрганилишига тўққинлик қилиш мақсадида адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судьяга турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш учун илгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган.

Судьяларнинг мустақиллиги улар фақат қонунга бўйсунган тақдирда, қонун

устуворлиги эса судьялар ташқи ва ички омиллар таъсиридан ҳимояланган тақдирда мумкин бўлади. Судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг мустақиллиги ҳамда фақат қонунга бўйсунуш принципи жиноят ишларини кўриб чиқишда судьяларни ҳар қандай таъсирлардан ҳимоя қилади. Жиноят процесси ушбу принципнинг асосий моҳиятларидан бири ҳам ана шундадир. Ушбу принципга биноан улар ўзи кўриладиган ишга нисбатан ҳар қандай тахмин ва фарзликдан холи бўлишлари керак ҳамда ўз қарорларини шундай тартибда қабул қилишлари керакки, токи унда ҳар бир судья тенг ҳуқуқли бўлсин. Шунинг учун мазкур ишни кўриб чиқишга монелик қиладиган, унинг ҳолислиги ва беғаразлигига шубҳа туғдирадиган ҳолатлар бўлса, судья ўзини ўзи рад этиши ва ишдан четлатилиши керак.

Судьялар ўз вазифаларини амалга оширганда, шунингдек, хизматдан ташқари муносабатларда одил судлов нуфузига, судьянинг шаънига путур етказадиган ёки унинг ҳолислигига шубҳа уйғотадиган бarcha нарсалардан ийроқ бўлиши керак.

Ўтган йилнинг октябрь ойида Ўзбекистонга расмий таширф натижалари бўйича дастлабки мулоҳазаларида БМТнинг

судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича махсус маърузачиси жаноб Диего Гарсия-Саян мамлакатимиздаги одил судлов ва суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан қуйидагиларни келтириб ўтди, яъни ўтган уч йил мобайнида оқлов ҳукмлари кўрсаткичларининг ортиб бориши суд ҳокимиятининг мустақиллиги томон босқичма-босқич ҳаракат давом этаётганлигидан далолат берувчи умидбахш кўрсаткичдир. Жумладан, 2016 йил фақат 6 та оқлов ҳукми қайд этилган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилда 263 тани, 2018 йилда эса 867 тани ташкил этди ва 2019 йилнинг 9 ойида 500 дан зиёд киши оқланди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, суд ҳокимияти мустақиллигининг таъминланиши инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза этиш механизмининг янада такомиллашувига, судлар томонида қонуний қарорлар қабул қилинишига ҳамда жамият ривожланишига хизмат қилади.

Дилдора БАЗАРОВА,
Тошкент давлат юридик университети
профессори в.б., юридик фанлар
номзоди

ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОР

бедодликдан безор бўлган

ОСОЙИШТАЛИҚДА бир лаҳза бўлса-да умргузаронлик қилиш миллионлаб инсонларнинг катта орзуси бўлганлигини тарих тасдиқлайди.

Турли даврлар ва мамлакатларда бу орзуни аччиқ армонга айланган омиллари ҳам яққол маълум. Инсониятнинг ўйламай қилган қарорлари, ўз манфаатларини бошқалардан устун қўйиши, муроса сиёсатининг йўқлиги, адолат ва эзгулик тамойилларининг дарз кетиши, асл қадриятларга бепанас бўлиши Ер қурраси ва аҳолисининг ҳар жиҳатдан жиддий азият чекишига олиб келган.

Шундай юртлар борки, олимларнинг вазифаси ва фикру хаёли виайрон қилишда бошқаларидан ўзиб кетадиган қуролни яратиш. Шунингдек, қурувчилари янги ва замонавий иморатларни эмас, балки яқсон бўлганларини таъмирлаш билан машғул. Ёшлари илм-фан деган тушун-

чани буткул унутиб, ҳарбий ёки сиёсий урушлар сабаб ота-она ва жигарларини йўқотган, тирик қолиш учун куралиш ҳаётининг мазмунига айланган. Кексалари эса қарилик гаштини суришдан умидларини ўзиб, бундай бедодликнинг юртдан аришини Яратгандан илтижо қилиб, юз-кўзлари жижға хўл. Шундай жойлар борки, фуқаролари қонгалаш уст-бошда юртдан қочиб кетиш пайида. Ўз навбатида, глобал ахборот воситалари ҳам туристларнинг у маконларга боришини умуман тавсия этмайди. Далалари ва табиати давлат иқтисодини бойитишга ҳисса қўшиш ўрнига жангу-жадаллар майдони вазифасини ўтамоқда. Айна дамда улардаги мақсад тўйиб еб-ичиш, замона-

вий кийиниш эмас, балки уйқусиз бўлса-да тонгни омонликда қарши олиш ва шу куннинг кечига тирик этиб келиш...

Аллоҳга беадад шукрки, бугун бизнинг Ватанда юраклар хотиржам уриб, барчанинг куч-қуввати ва толган даромади ўзи ва дилбандларининг эртанги кунни, билим олиши, уй-жойи, турмуш кечириши ва тантаналарига сарф бўлмоқда. На таълим олишда ва на тадбиркорликда тўсиқ йўқ. Мухтасар қилиб айтганда, салоҳиятини ҳалол ва қонуний даромад қилишга қаратган ҳар жон Юртбоши эътиборида.

Сунгги бир неча йилда Ўзбекистон дунё саҳнида элпарварлиги, шаффоф сиёсати ва кенг қамровли ютуқлари сабаб ўз обрўсини мустаҳкамлаб олди. Хусусан, ўтган йилда "The Economist" — Европанинг нуфузли нашри Ўзбекистонни "Йил мамлақати" дея эътироф этди. Шунингдек, Туркиянинг етакчи иқтисодий нашри "Derin Ekonomi"

га кўра, Ўзбекистон Президенти ўз мамлақати ва минтақасидаги вазиятлар ўзгаришига сезиларли таъсир кўрсатишга қодир бўлган дунё етакчилари биринчи ўнгаллигидан ўрин олди. XX асрнинг таниқли сиёсатшуноси Збигнев Бжезинский ҳам: "Ўзбекистоннинг мустақиллиги Ўрта Осиёдаги бошқа давлатларнинг яшаб кетмоғи учун жуда катта аҳамиятга эга", деб таъкидлаган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистондаги тинчлик ва халқ манфаатига қаратилган сиёсат мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини орттиришга сабаб бўлмоқда. Аниқки, хорижий сармоядорлар халқнинг ҳаёт тарзига амалда қайгурган мамлакат инвесторларни муносиб қадрлашини жуда яхши ҳис қилдилар.

Таълим, банк-молия, бизнес, туризм, шаҳарсозлик ва бошқа бир қатор соҳаларда дунё тан олган ташкилотлар вакилларининг Ўзбекистонга таширфи тобора ортиб бормоқда. Бу — жаҳон-

нинг нуфузли ишбилармонлари юртимиз билан самарали ҳамкорлик ўрнатилишига ишончи мустаҳкамлигидан далолат.

Демак, ҳозирги глобал оғир ва нозик шароитда бошқарув ва сиёсатдаги жасорат сабаб эришилган халқро имиджини асраш ва уни давом эттириш бош масала. Мевали дарахтга тош отилади, деган пурмаъно нақл ҳаммаимизга хушёр бўлишни эслатади. Елкамиздаги бу жиддий масъулиятга садоқатли бўлиш нафақат ўзимиз, балки келажақдаги зурриёдларимизга ҳам фаровон ҳаётни таъминлайди.

Айни дамда Ўзбекистон ёшлари ўта нозик вазифа қаршисида турибди. Шиддат билан тараққий этаётган замондан гафлатда қолиш юрт ва унинг келажаги учун катта талофат эканлигини бир зум ҳам ёддан чиқармаслигимиз шарт! Президент нутқи ва мурожаатларидаги ёшлар ва уларнинг салоҳиятига берилган урғунинг моҳияти ҳам айнан шунда. Агар авлод соғлом ақл, теран тафаккур, кучли интеллектуал салоҳият соҳиби бўлиб улғайса, адолатли сиёсат ва инсонпарвар принциплар мудом давом этаверади.

Ғайрат СУЛТОНҚУЛОВ,
Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси



ФАКТ

"The Economist" — Европанинг нуфузли нашри Ўзбекистонни "Йил мамлақати", дея эътироф этди.

